



Тасдиқлайман

«Шарғункўмир» АЖ

бош директори

М.А.Азизкулов

2026 й

**“Шарғункўмир” АЖда 2026 йил 1-ярим йиллиги учун коррупцияга
қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Давлат ташкилотининг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот**

Ҳисобот даврида “Шарғункўмир” АЖнинг йўл харитасида белгиланган чора-тадбирлар асосида Республикада амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб коррупцияга қарши курашнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, жамият ходимларини коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида ўқув курсларини ташкил этилиб ишчи-ходимлар босқичма-босқич ўқитилмоқда, тизимда коррупциявий ҳолатларини олдини олиш, шунингдек иш самарадорлигини ошириш мақсадида ротасия усулидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш бўйича сўровнома ўтказилиб таҳлил қилинди. Коррупцияга қарши профилактик тадбирлар сифатида коррупциянинг салбий иллатларини акс эттирувчи босма ва электрон курунишда тарғибот материаллари тайёрланиб, расмий веб-сайт ва телеграм каналларда жойлаштириб келинмоқда. «Коррупцияга қарши кураш» рукнини тегишли маълумотлар ва ахборотлар билан доимий тўлдириб бориш, Давлат харидлари, харажатлар ва бошқа маълумотларни “Шарғункўмир” АЖнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш амалга оширилмоқда. Биринчи ярим йилликда ишга қабул қилинган ишчиларга “Шарғункўмир” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Совғалар бериш ва олиш сиёсати” ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби билан таништириш мақсадида ўқув курслари ташкиллаштирилиб баённома асосида расмийлаштирилди. Корхона раҳбариятининг коррупцияга мурасасиз муносабатини ва унга қарши курашиш рукнида мурожаатлари телеграм ва веб-сайт саҳифаларида ёритилди. Улар иштирокида бошқарув аппарати ходимлари ҳамда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган ходимлар иштирокида йиғилиш ва семинарлар ташкил этилди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2024 йил 11-ноябрь санасида 288-сон буйруқ асосида ўн бештадан ошиқ ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб,

жумладан “Коорупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом”, “Совғалар бериш ва олиш сиёсати” ҳамда 285-сон буйруқ асосида Коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом ташкилот ходимларига таништирилиб тадбиқ этиб келинмоқда. Харидлар жараёнини тартибга солиш ва назоратни кучайтириш мақсадида 05.01.2026 йилдаги “Давлат харидларини амалга ошириш ва тартибини белгилаш” тўғрисидаги ҳамда 19.03.2026 йил 65-сон буйруқ асосида Асосий воситаларни харид қилиш тартиби тасдиқланди.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

е-антикор платформасида ташкилотнинг 30 та функциясида хавф-хатарларини баҳолаш амалга оширилди. Хавф-хатарларни баҳолаш натижасида 5 та коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори, 12 та коррупциявий хавф-хатари ўрта ва 13 та коррупциявий хавф-хатари паст эканлиги аниқланди.

Хисобот даврида коррупциявий хавф-хатарларни бошқаришда ишчи-ходимлардан манфаатлар тўқнашувини ошкор этиш бўйича декларациялар тўлдирилди, ташкилотнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Совғалар бериш ва олиш сиёсати” ва Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби электрон тарзда яна бир бор таништирилди. Профилактик тадбир ҳамда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришда йиғилиш ва семинарлар ташкил этилди. Харидлар жараёнида иштирок этаётган ходимлар Вертуал академиянинг махсус ўқув курларида малака ошириб муваффақиятли тамомлашди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда. “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг 2024-йил 14-ноябрдаги 288-сон буйруқ билан тасдиқланган “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом” талаблари асосида коррупциоген омилларни барвақт олдини олиш, уларни бартараф қилиш мақсадида жамиятнинг барча ходимлари томонидан йилига бир марта манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шакли (декларация) тўлдирилиши белгилаб қўйилган. Шу мақсадда “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятида йил бошида 605 та ходим ҳамда биринчи ярим йилликда ишга қабул қилинган 7 та ишчи-ходимлардан манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шакли (декларация) олиниб 25 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги аниқланди. Шулардан 2 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви бартараф этилди. Аниқланган эҳтимолий манфаатлар

тўқнашуви (бир участкада якин қариндошларнинг бир бирига бўйсунмаган ҳолатда иш фаолиятини амалга ошириши) деб топилган;

Биринчи ярим йилликда жами 612 та ишчи-ҳодимлар манфаатлар тўқнашувини ошқор қилиш тўғрисидаги декларациялар қабул қилинган бўлиб бу ташкилот кесимида 99,9% ни ташкил этади.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилотнинг хўжалик шартномаларига барчасида киритилган ва назорат остида;

Ташкилот тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилмаган.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида жами 102 та контрагентлар бўйича текширувлар ўтказилган ва 100% ижобий хулосалар берилган.

Ишга номзодларни текшириш

Ташкилотда биринчи ярим йиллигида 7 та ишчи ишга қабул қилинган бўлиб ушбу номзодлар устидан текшириш ўтказилган .

V. Таълим ва коммуникация

Ташкилотга ҳисобот даврида ишга қабул қилинган ишчилар “Шарғункўмир” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Совғалар бериш ва олиш сиёсати” ва Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби бўйича ўқитилган:

“Моддий-техник таъминот ва маркетинг” бўлимининг 6 та ходимлари вертуал академияда малака оширишди;

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушмаган..

VII. Мониторинг ва назорат

Ҳисобот даврида ташкилотда 5 та назорат тадбирлари ўтказилиб, шулардан “Маъмурий-маиший хизмат”, “Тиббиёт пункти”, “Янги технология асосида кўмирни ер ости усулида қазиб чиқаришни бошқариш участкаси”, “Бухгалтерия бўлими”, “Ходимларни бошқариш бўлими”, “Моддий-техник таъминот ва маркетинг бўлими”, “1-сон ер ости усулида кўмир қазиб олиш участкаси”, “3-4 сон очик усулида кўмирни қазиб олиш участкаси”, “Шамоллатиш, техника хавфсизлиги ва портлатиш ишлари участкаси”, “Марказлаштирилган энерго-механика таъмирлаш ва профилактика ишлари участкаси”, “Ишлаб чиқариш техник бўлими”, “Меҳнат муҳофазаси, техника саноат хавфсизлиги бўлими”,

“Геология-маркшейдерлик бўлими”, “Бош механика бўлими”, “Бош энергетика бўлими”, Раҳбарият, “Иқтисодий режалаштириш, таҳлил ва иш ҳақи” бўлимларида ташкилотнинг ички аудит режаси асосида амалга оширилди. Унда бўлим ва участкалар фаолияти, ҳужжатлар юритилиш, коррупцияга қарши курашишда билим даражалари таҳлил қилинди. Назорат тадбирлари асосида ижобий хулосалар берилди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Ташкилотда ўтказилган назорат тадбирлари асосида қоидабузарликлар аниқланмади.

IX. Хулосалар

Ташкилот тизимида коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш режа асосида амалга оширилиб келинмоқда. Ташкилотда коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги натижалари ижобий.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Ҳуқуқ-тарғибот ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ва профилактик тадбирларни ўтказиш 2-ярим йилликда амалга оширилиши режалаштирилган.